

Устоз Самиҳ Абдуллоҳ Абдулқовий Мутаваллий юртимизга ташриф буюрдилар



20:37 / 15.11.2022 3182

Бугун 2022 йил 15 ноябрь куни фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари асос солган «Hilol nashr» нашриёт-матбаасига мисрлик уламолардан бири Қоҳира университети усулид-дин куллиётининг ҳадис бўлими устози, шайх Самиҳ Абдуллоҳ Абдулқовий Мутаваллий ташриф буюрдилар.

Меҳмонларга «GRAND TA'LIM» нодавлат ўқув маркази устози, arabic.uz, hadis.islom.uz, masjid.uz, madrasa.uz сайти раҳбари Анвар Аҳмад домла ҳамда Фозилжон Қажумов ҳамроҳ бўлдилар.

Зиёратлари давомида устоз Самиҳ Абдуллоҳ Абдулқовий Мутаваллий «Hilol nashr» босмахонасига ташриф буюрдилар, у ерда нашриёт раҳбари, «Шайх

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Юсуф меҳмонни кутиб олдилар.



Меҳмон нашриётда чоп этилган мусҳафи шариф, шайх ҳазратларининг ҳаётлари, асарлари, у ерда фаолият олиб бораётган ижодий жамоа билан яқиндан танишдилар ҳамда у кишига келажакдаги режалар ҳақида маълумотлар берилди. Сўнгра нашриётнинг бош дўконига ташриф буюрдилар. У ердан чиқиб Islom.uz портали ҳамда «Hilol» media маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб чиқдилар.





Кейин «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидига ташриф буюрдилар. Масжидда азиз меҳмон жамоат билан пешин намозини адо этдилар. Намоздан сўнг масжид имом ноиби, Қуръон ходими Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид билан учрашдилар ва зиёратлари асносида бўлиб ўтган илиқ таассуротларни ўртоқлашдилар.







Кейин шайх Самих Абдуллоҳ Абдулқовий Мутаваллий мажмуа кутубхонасига ташриф қилдилар. У ердан чиқиб мажмуанинг анжуманлар залини сайр қилдилар.

Устоз Самих Абдуллоҳ Абдулқовий Мутаваллий ҳақларидаги тўлиқ маълумотни қуйидаги ҳавола орқали ўқиб чиқишингиз мумкин.
<https://islom.uz/maqola/19816>